

Транспорт назорати инспекцияси томонидан 2024 йил давомида соҳада амалга оширилган ишлар юзасидан

МАЪЛУМОТ

Автомобиль ва сув транспорти назорати йўналиши бўйича:

Транспорт вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги ҳамкорлигига **2024** йил учун қўшма рейд тадбирлари режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Ушбу қўшма рейд тадбирлари режасига асосан **2024** йил давомида автомобиль транспортида назорат ҳудудий бўлимлари инспекторлари томонидан Ички ишлар вазирлигининг ҳудудий ЙҲҲБ бошқармалари билан ҳамкорликда Республика бўйича жами **13567** та рейд-тадбирлари ўтказилди.

Ушбу рейд тадбирлари давомида **автомобиль ташувлари** соҳасида ҳукуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан **116106** та маъмурий баённомалар расмийлаштирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодекснинг:

- **125²-моддаси** бўйича **809** та;
- **145**-модданинг **2**-банди бўйича **890** та;
- **165**-модданинг **3-4**-бандлари бўйича **5658** та;
- **176³-модда** бўйича **97997** та;
- **176⁴-модда** бўйича **10021** та;
- **198**-модда бўйича **333** та

маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, қонуний чора қўрилиши учун жойлардаги жиноий судларга юборилди.

Йўловчи ташиб фаолияти билан ноқонуний шуғулланганлиги аниқланган ҳукуқбузарларга нисбатан расмийлаштирилган **108018** та баённомаларга асосан **42141** та ҳайдовчилар ўз вақтида **лицензия варақасини** расмийлаштириб, фаолиятини қонунийлаштирилишига эришилди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга киритилган Буюртмаларнинг рухсат этилганлари бўйича **217** та тадбиркорлик субъектларда текширувлар ўтказилиши якунланган.

Кема реестрига **2024** йил ҳолатига кўра ўзгартиришлар киритилди ва кемалар сони **316** тани ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кема ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” **2020** йил **4** июлдаги **421**-сонли қарори ижроси юзасидан кема ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув курсини тутатган **20** киши аттестасиядан ўтказилиб, уларга кема бошқариш ҳукуқини берувчи кема ҳайдовчиси гувоҳномалари берилиб, талабгорларни аттестациядан ўтказилди ва уларга кема ҳайдовчиси гувоҳномасини берилди.

Темир йўл транспорти назорати йўналиши бўйича:

2024 йил давомида темир йўл транспорти хавфсизлигини таъминлаш ва

техник воситаларнинг ишончлилигини оширишга қаратилган жами **2512 та** профилактика тадбирлари ўтказилди.

Мазкур профилактика тадбирларида **жами 20758 нафар** темир йўл ташувлари билан бевосита боғлиқ ишчи ходимлар иштирок этди ва улар билан тушунтириш ишлари олиб борилди.

34 та темир йўл транспорти ва метрополитен обьектлари, маҳсулотлари ва технологияларининг белгиланган талабларга мувофиқлиги юзасидан уларни доимий ёки вақтинча фойдаланишга қабул қилиш ишларида иштирок этилди.

130 та темир йўл транспорти ва метрополитенда ҳаракат хавфсизлиги талабларини бузиш ҳолатлари бўйича темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотлари томонидан олиб бориладиган хизмат текширувларида иштирок этилди ва ушбу ҳодисалар ҳисобга олинди. Жумладан: “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга қарашли темир йўлларда поездлар ҳаракат хавфсизлиги бузилиши бўйича **64 та** ҳолат, шохобча темир йўлларида **30 та** ҳолат, “Тошкент метрополитени” ДУКда **36 та** ҳолат қайд этилган.

24 та ташкилотларни мурожаатига асосан аттестация комиссиялари ишида иштирок этилди. Ушбу комиссияларда **338 та** ходимлар аттестациядан ўтказилди.

Темир йўлларда ташишлар хавфсизлигини таъминлаш ва темир йўл кесишмаларида поездлар ҳаракат хавфсизлиги бузилиш ҳодисаларини олдини олиш мавзусида оммавий ахборот воситаларида жами **122 та** чиқишлилар ташкил этилди.

Жумладан: **7 маротаба** телевидение орқали, газета ва журналларда **45 та** ҳамда веб-сайтда **68 та** мақола чоп этилди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 октябрдаги **387-сонли** қарори ижросини таъминлаш мақсадида, юқори тезликдаги темир йўл участкаларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва ободонлаштириш бўйича Транспорт вазири томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ **11 маротаба** (*Тошкент-Қарши ийналишида*) Идоралараро комиссияси сайёр ийнилишлари ташкил қилинди.

Январ-ноябрь ойлари давомида жами **279 та** тадбиркорлик субъектлари ва давлат ташкилотларида текширувлар ўтказилган.

Текширувлар жараёнида **18 452 та** темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ва техник жиҳатдан тартибга солишга оид норматив ҳужжатлар талаблари бузилиши, инфратузилма ва ҳаракат таркибларининг носозлиги ёки фойдаланиш муддати ўтганлиги бўйича камчиликлар аниқланди. Бунда, аниқланган камчиликларни бартараф этилишига қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида бугунги кунга қадар **212 млрд. 210 млн. 23 минг сўмлик 14591 та камчиликлар** бартараф этилишига эришилди.

Аниқланган камчиликлардан, айнан **ҳаракат хавфсизлигига таҳдид** солувчи **4 919 та** ҳолат бўйича чекловчи ва таъқиқловчи чоралар кўрилган. Шундан:

- **32 та** темир йўлларда, стрелкали ўтказгичларда тезликлар чекланган;
- **1172 та** темир йўллари излари, стрелкали ўтказгичлар ёпилган;

- **226** та локомотив ва дрезиналар фойдаланишдан қолдирилган;
- **51** та йўловчи вагонлар фойдаланишдан қолдирилган;
- **449** та юк вагонлари фойдаланишдан қолдирилган;
- **17** та юк поездларини техник тайёргарлиги бекор қилинган;
- **2972** та бошқа камчиликлар аниқланган.

Текшириш натижалари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбиркорлик субъектларига тақиқловчи чораларни белгиловчи, бажарилиши мажбурий бўлган **578** та **кўрсатмалар берилган**.

Темир йўл транспортида **ҳаракат хавфсизлиги соҳаси** бўйича инспекция томонидан берилган кўрсатмалардаги жами **4949** та камчиликдан **3866** таси бартараф этилиши таъминланди. Колган **1053** та қоидабузарликлар бартараф этилиши назоратга олинди.

Йўл-қурилиш ишларини назорат қилиш йўналиши бўйича:

Автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш обьектларида бажариладиган қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишларининг, шунингдек, уларда қўлланиладиган материаллар ҳамда конструкцияларнинг шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда лойиҳа ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат назоратини таъминлаш бўйича қуидагилар амалга оширилди.

Йўл қурилиш обьектларида қурилиш-монтаж ишларини бажараётган тадбиркорлик субъектларида қоидабузарликларни олдини олишга қаратилган **5589** та профилактика тадбирлари ўтказилди.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан бажарилаётган **3966** та йўл қурилиши обьектларида қурилиш-таъмирлаш ишларида қоидабузарликларни аниқлаш бўйича **хавфи таҳлил** этилди.

2024 йил давомида **жами 2625** та (шу жумладан: қурилиши – 223 та, реконструкция – 364 та, таъмирлаш – 1600 та ҳамда қазии обьектлари - 438 та) назорат қилиш ишлари ўтказилди, шундан:

хавфни таҳлил этиш натижалари асосида тадбиркорлик субъектларида фаолият юритаётган - **647** та;

давлат муассасаси бўлган пурратчиларнинг **1978** та йўл қурилиш обьектларида назорат қилиш ишлари ўтказилиши таъминланди.

Назорат ишлари ўтказилиши натижасида **жами 7009** та (шу жумладан: қурилиши – 774 та, реконструкция – 1182 та, таъмирлаш – 4476 та, қазии – 577 та) қоидабузарликлар аниқланди.

Қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича **2418** та (шу жумладан: буюртмачиларга – 457 та, пурратчиларга – 1667 та, қазии – 294 та) бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар берилди.

Бугунги кунда **2240** та кўрсатмалардаги **6001** та қоидабузарликларни ижро этиш муддати келган бўлиб, амалда **2215** та кўрсатмалардаги **5928** та қоидабузарликлар бартараф этилди.

Назорат қилиш ишлари натижасида **242 та** объектда аниқланган **17 695 млн.сўмлик** сифатсиз бажарилган ишларнинг ҳажмини тўловдан чиқариш бўйича буюртмачиларга талабномалар киритилди.

Ижро этиш муддати келган **230 та** объектдаги **13 237 млн.сўмлик** сифатсиз бажарилган ишлар бартараф этилди, бажариш муддати келмаган **12 та** объектдаги **4 458 млн.сўмлик** сифатсиз бажарилган ишларнинг ижроси худудий бўлимлар инспекторларининг назорати остига олинган.

Бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалардаги қоидабузарликларни бартараф этмаган ҳамда йўл қурилиши объектларида норматив ҳужжатлари талаблари бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг 99 ва 147-модаллари асосида **жами 450 та** (шу жумладан: буюртмачиларга – 84 та, лайиҳачига – 1 та, пудратчиларга – 268 та, қазииш ишлари бўйича – 97 та) маъмурий баённома расмийлаштирилиб, суд органларига юборилди.

Қонунчилик ҳужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар бузилишига йўл қўйган ташкилотларга бажарилиши мажбурий бўлган **351 та** (шу жумладан: буюртмачиларга – 159 та, лойиҳачиларга - 31 та, пудратчиларга - 45 та, қазииш ишлари бўйича – 116 та) тақдимнома киритилди.

Ҳисобот даврида қурилиши тугалланган **1377 та** йўл объектларини фойдаланишга қабул қилиш комиссияларининг ишида мутахассисларнинг иштироки таъминланди ва қуйидагилар амалга оширилди:

1297 та объект, шу жумладан: **1248 та** йўл обьекти ҳамда **49 та** сунъий инишоот обьекти фойдаланишга қабул қилинди;

37 та обьектнинг ишчи комиссияси далолатномаси расмийлаштирилди ва бугуни кунда давлат қабул қилиш комиссияси томонидан ишлар давом этмоқда;

43 та обьектнинг фойдаланишга қабул қилиш ишлари давом этмоқда.